

Куч — адолатда



АДОЛАТ

ЎЗБЕКISTON «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ ВА ҲУҚУҚIIЙ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон «Адолат» СДП — 10 ёшда

Шу йилнинг 18 февраль куни «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши томонидан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон социал-демократик ҳаракати: бугунги кун ва истиқбол» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда партия Сийёсий Кенгаши биринчи котиби Дилором Тошмухамедова «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ўн йиллик йўли» мавзусида маъруза қилди. У ўз маърузасида жумладан шундай деди: Бугун биз сиз билан ниҳоятда табарруқ сана — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси таъсис этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан йилгидик.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси 1995 йил 18 февралда партиянинг Биринчи таъсис Курултойида тузилган. Ўзбекистонда социал-демократик партиясини тузиш гоёси Ўзбекистон Республикаси 1 чакирққ Олий Мажлисида 57 депутатни ташаббускорлар гуруҳига бирлаштирди. Яъни улар Ўзбекистонда ўрта ҳол ва кам таъминланган аҳоли қатламларининг иродасини ифода этувчи социал-демократик йўналишдаги партия тузиш заруриятини аниқлаб етишган эди.

Илрик жамоат арбоблари: (ўша пайтда) «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррири Анвар Жўрабоев, Тошкент Давлат университети ректори, академик Тўхтамурад Жўраев, Андижон Давлат университети ректори, профессор Акмал Қосимов, Тошкент Давлат юридик институти ректори, профессор Халимбой Бобоев, 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори, академик Турғунпўлат Даминов, Олий Мажлис депутати Улуғбек Дониёров, Тошкент Давлат техника университети проректори, профессор Содиқжон Қосимовлар ташаббускор гуруҳ ўзагини ташкил этишган.

Уша йилдан партия сафларига 3 мингдан ортққ аъзолар кирди. Партиянинг II Курултойига бўлган даврда партиянинг оёққа туриш, ташкилий, гоёвий жиҳатдан ўсиш даври бўлди.

1999 йил 9 октябр куни Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг II Курултойи бўлиб ўтди. Бу даврга келиб партия аъзолари сони 40 мингга яқин кишига етди.

Курултойда партия сайловолди дастури қабул қилинди, партиядан Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси депутатлигига номзодлар курсатилди, шунингдек, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши ва тафтиш комиссияларининг янги таркиблари сайланди.

1999 йил декабрида бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига «Адолат» СДПдан 11, махаллий Кенгашларга 60 нафар депутат сайланди.

II Курултойдан кейинги давр партиянинг халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш даври бўлди. Германиянинг Фридрих Эберт ва Конрад Аденауэр фондлари билан ўзаро ҳамкорлик туғрисида шартномалар тузилди. Ф. Эберт фонди вакиллари Самарқанд ва Бухоро вилоят партия ташкилотлари фаолияти билан таниш-билиш қилди. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида адолатчилар учун семинарлар уюштирилди. Ф. Эберт фондининг Тошкент Худудий бўлими раҳбари доктор Дибольд ёрдамида Киночилар уйида партия Сийёсий Кенгаши томонидан сийёсий мавзудаги хужжатли фильмлар кинофестивали уюштирилди.

Бу давр мобайнида партия Сийёсий Кенгаши қароргоҳида Германия, Швейцария, Россия элчилари, Америка Қўшма Штатлари Конгресси аъзолари, Хиндистон Миллий Конгресси партияси вакиллари, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази вакиллари, Россия, Украина, Беларусь Сайлов комиссияси аъзолари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига «Адолат» социал-демократик партиясида сайланган депутатлар фаолияти ҳам охириги беш йилликда бирмунча фаоллашди. Фракция аъзолари 2000-2004 йилларда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларни тайёрлаш, муҳокама этиш ва қабул қилишда фаол иштирок этишди. Шу билан бир қаторда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тарғиб қилишда фаол қатнашдилар.

Маълумки, «Адолат» СДПнинг дастурида қонун устуворлигига, инсон ҳуқуқларини таъминлаш,



ЗАМОНГА ҲАМНАЧАС

ижтимоий адолатни қарор топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу бондан ҳам фракция аъзолари Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ва Аграр масалалар ва озиқ-овқат қўмитаси, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари томонидан ташкил этилган тадбирларда фаол иштирок этишди.

2004 йилнинг 30 октябрида партиянинг III Курултойи бўлиб ўтди. Курултойда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан ташриф буюрган 170 нафарга яқин делегатлар, партия фаоллари, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ходимлари қатнашдилар.

Курултойда «Адолат» СДПнинг ўтган беш йил давомидаги фаолияти, бугунги кунда олиб бораётган ишлари, партиянинг Сайловолди дастури, Сайлов кампаниясидаги иштироки билан бирга, Партия Дастури ва Низомини ўзгартиришлар киритиш, Республика Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни тасдиқлаш каби муҳим масалалар кўриб чиқилди.

2004 йил декабрь ойда бўлиб ўтган сайловлар натижасида Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоларидан Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 10 кишидан иборат фракция тузилди. Партия дастуридаги асосий тамойил, мақсад ва вазифаларини ҳаётга тадбиқ этиш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг уч фракцияси — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Фидокорлар» Миллий-демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Демократик блок ташкил этилди. Бу билан парламентда кўпчилик овозга эга бўлиш имконияти туғилди.

Маълумки, мамлакатимиз Президентини Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатнинг модернизация ва ислоҳ этиш» номи маърузаларидаги фикрлари сийёсий партияларга янги фаоллик даврини белгилаб берди.

Бугунги янги давр барча партиялар, ҳусусан, «Адолат» СДП учун ҳам янги талаблар қўймоқда. Юртбошимизнинг сийёсий таърихда орттириш, сийёсий етукликка интилиш ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва доимий сайловларга таяниш учун фаол ҳаракат қилиши кераклиги ҳақидаги фикр-

лари бу талабларнинг энг асосийсидир. Шу маънода, «Адолат» СДП бугун мамлакатимиздаги аҳолининг кенг қатлами, барча замонав, нодавлат ташкилотлари, жамғармалари, махаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар ҳаракатлари билан яқин ҳамкорликни янада жонлантириши лозим. Айниқса, партиянинг жойлардаги ташкилотлари, туман ва қишлоқлардаги бўлимлари фаолияти бутунлай қайтадан кўриб чиқилиши, замон талабларига мос равишда ислоҳ этилиши даркор. Биз тарафдорларимизни кўпайтириб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилсак, узоқ-узоқ қишлоқларга партия ташкилотимиз етиб борса, халқ ичига кириб борса, шунда партияимиз асосий вазифаларини бажарган бўлади.

Партияимиз матбуоти чинакамга жонланиши, бизан жойларда учраб турадиган ҳар қандай иллатлар, ноҳақлик, бюрократия найрақларини аёвсиз қош этиши, ҳар бир конкрет ҳолатда адолат тикланиши учун матонат билан курашиш бўлиб ўтаётган. Ҳаётимизда бўлиб ўтаётган барча ўзгаришлар, янгиликлар, бунёдкор ишлар партия матбуоти эътиборидан четда қолмаслиги керак. Доимий ўз фикримизни ва муносабатимизни билдириш, ўз нуктаи-назаримизни ифода этиш ҳам замонга ҳамнафаслигимизни билдиради. Фаолиятимиздаги бугун-

ги замон талабига мос асосий йўналиш — давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнаттириш. Бу борада партияимизнинг аниқ иш режаси ва депутатлик корпусининг фаоллиги ниҳоятда муҳим.

Одамлар онгда демократик кадрларни мустаҳкамлаш, уларнинг сийёсий ва фуқаролик фаолиятини ошириш, мамлакат ижтимоий-сийёсий ҳаётда иштироки кўламини кўпайтириш — бизнинг олиб борадиган фаолиятимизнинг натижаси бўлиши даркор.

Ана шу ҳолат партияимиз истиқболини унинг жамиятдаги ўрнини белгилаб беради. Шундан сўнг Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоларини, фаоллари ва хайрихоҳларини, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори, профессор Аъзамжон Раҳмонов, партия Сийёсий Кенгаши раёсати аъзоси, академик Турғунпўлат Даминов ва бошқа давлат ва жамоат арбоблари шонли сана билан мунобақабод этишди.

Анжуман сўнггида «Адолат» СДПнинг бир қатор фахрийларига фахрий ёрлик ва қимматбахо совғалар топширилди.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Адолат» мухбири:
Суратларда:
конференциядан
лаъва.
Козим УЛМАСОВ
олган сурат

ҚУТЛОВ МАҚСАДИ УЛУФ

Мустақилликнинг салкам 14 йил мобайнида мамлакатимиз ҳаётининг ижтимоий-сийёсий, социал-иқтисодий ва бошқа қатор соҳаларда жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Мазкур ютуқлар ва ўзгаришларни биз республикамизда кўппартиявийлик тизимининг тақомиллашиб боришида ҳам кузатдик. Бугунги кунда ўзларининг дастурлари, низомлари билан элга танилган ва энг муҳими, ўзларининг қўлимиз сонли электоратига эга бўлган 5 та сийёсий партия мамлакат сийёсий майдонидан актив фаолият олиб бормоқда. Ана шундай сийёсий партиялардан бири — «Адолат» социал-демократик партияси ҳам ўшбу жараёнларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Қисқа вақт ичида «Адолат» социал-демократик партияси аҳолининг барча табақаларини қамраб олувчи умуммиллий партия бўлиб танилишида улгурди. Ҳозирги кунга келиб партия сафларида 40 мингдан зиёд фуқаролар бирлашганлиги ҳам унинг Республикаимиздаги сийёсий вазни салмоқли эканлигини адолат беради.

Маълумки, «Адолат» партиясининг мақсади улүф бўлиб, социал-демократия мафқурасига таянади. Социал-демократия — ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳамкорликка асосланувчи сийёсий йўналишдир. Социал-демократия — жамият ичида турли-туман қатламларнинг тинч-тотув ва аҳил ҳаёт кеңириши, миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни улғулайди. Ташқи сиёсатда эса бошқа мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик тарафдоридир.

Социал-демократия ижтимоий ва маданий муҳитни муҳофаза қилиш, инсоннинг маънавий эҳтиёжларини таъминлаш, мустақил ва эркин шахсини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий муносабатлар тизимини кўзда тутади. Социал-демократия меҳнат қилиш қўбилиятига эга бўлган аҳоли учун тенг имкониятлар яратиш, аҳолининг эҳтиёжман қисми учун эса меҳмурувват қўратиш, барча аҳоли учун ижтимоий муҳофаза ва сифатли турмуш тарзини таъминлашга интилади.

Социал-демократиянинг негизидан инсоний меҳр-оқибат марказий ўрин тутаети. У бугунги кундаги энг зарур қадриятлардан биридир. Ушбу мафқура дунё мамлакатлари таърихисидан санолаб ўтган бўлиб, ҳозирги замонавий жамиятлар тараққиёти йўлида ўзининг ҳар томонлама самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Дунёда социал-демократик йўналишдаги 200 дан ортққ сийёсий партия ва ҳаракатлар мавжуд бўлиб, улар 17 миллионга яқин одамни ўз сафларига бирлаштирган.

Мана 10 йилдан бери «Адолат» социал-демократик партияси ҳам Ўзбекистон аҳолисининг миллати, тили, эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар уларни ўзаро ҳамжиҳатликда яшашга даъват этмоқда ва шунингдек жамият билан давлатни боғлаб туровчи мустаҳкам кўприк вазифасини бажариб келмоқда.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, шахсан ўз номимдан ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида фаолият олиб бораётган 200 дан ортққ ҳамкасбларим номидан «Адолат» СДП партиясининг барча аъзоларини партиянинг 10 йиллик юбилейи билан чин қалбимдан табриқлайман.

Уйлайманки, Институтиимиз билан партиянинг ҳамкорлик алоқалари бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади.

Барча «адолатчилар»га узоқ умр, сийхат-саломатлик, оила-хонадонларига фаровонлик, хотиржамлик, бахт-саодат тилайман. «Адолат» социал-демократик партиясининг Ватанимиз раънақи, Юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги олий-ҳиммат фаолиятида улкан зафарлар тилайман.

Аъзамжон РАҲМОНОВ,
Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори, профессор.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Куни кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг III пленуми бўлиб ўтди.

Партия фаоллари ва кенг жамоатчилик иштирок этган пленуми олиб борган «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилором Тошмухамедова «Давлатимиз раҳбарини Ислоом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида

ги маърузасидан келиб чиққан ҳолда «Адолат» социал-демократик партиясининг келгусидаги вазифалари» хусусида маъруза қилди. Шунингдек, партия Сийёсий Кенгашининг биринчи котиби Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг иш режаси ва йўналишлари ҳақида ҳам

Ҳозирги туб демократик ўзгаришлар боис фуқаролик жамияти институти фаол ривожланиб, давлат ҳокимиятининг ижроия тармоғи устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш ҳаётини заруратга айланиб бормоқда. Шундай экан раҳбарликнинг улкан масъулияти ҳар бир масъул лавозим эгасига катта вазифа, ўз навбатида, юксак шараф юклатиш табиий. Ҳўш, раҳбарликнинг жамоатчилик ва фуқаролик назорати негизлари, асослари, уларнинг мартаба ва масъулиятларини қандай фарқлаш ҳамда ифодалаш керак?

— Лавозим, раҳбарликнинг даражалари турлича бўлади. Масалан, бизнинг шароитимизда ҳокимлар, вазирлар, қўмиталарнинг раислари — катта раҳбарлар саналади, — дейди танили олим, профессор Васила Каримова. — Улар оддий лидерлар эмас. Зеро, уларга юкланган масъулият, ҳуқуқ ва бурчлардан келиб чиқадиган уларни супер лидерлар дейиш мумкин. Чунки улар оддий ходимлар, иш юритувчиларгина эмас, балки алоҳида ишлаб чиқариш субъектларининг раҳбарлари (масалан, корхона, ташкилотлар

тўхталиб ўтди. Баҳс мунозарага бой бўлган мазкур пленумда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши котиби Равшан Ҳайдаров яқинда бўлиб ўтган сайлов янгалари ва партиянинг келажак фаолиятига оид ҳуқуқлар туғрисида йиғилганларга ахборот берди.

Мазкур пленумнинг тўлиқ тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонидан батафсил тўхталиб ўтаимиз.

Ўз мухбиримиз

рибаси каттароқ бўлган одамни ҳурмат қилиш одати борки, бунимз инобатга олмасдан бўлмайди». Бу масалаларга биз ҳам ҳамма алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Раҳбарлик мажбурияти ва маънавияти, унинг

СУВ ТАҚЧИЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Кейинги йилларда мамлакатимиз олимлари томонидан Оролбўйи минтақаси табиий экологик мувозанатини тиклашга ҳамда унинг қишлоқ ҳужайи маҳсулдорлигини оширишга қаратилган бир қатор лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда.

Бунда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ичимлик сувининг сифатини тубдан яхшилаш масалалари устувор вазифа бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда соҳада самарали натижаларга эришишда таълимнинг кўрсатиш ва йўналиш берди.

«Шубҳасиз, менинг назаримда, депутатлар корпуси, сийёсий партиялар ва нодавлат ноҳуқумат жамоат ташкилотларининг жамиятда обуру-эътибори ортиб бориши, мавқеи мустаҳкамланиши билан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти

симот ва ресурсларни бошқариш масаласи шулар жумласидандир. Мазкур дарёнинг учта давлат чегараладиган оқиб ўтишини инобатга оласан, унинг рационал бўлиниши муҳим саналади.

Марказий Осиё ирригация илмий тадқиқот институтида ўтказилган йилгилик ҳам айнан шу масалаларга бағишланди. Унда ташриф буюрган Германиялик мутахассисларнинг минтақда сув тақчиллиги вужудга келганда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш борасидаги илмий йўналишлари муҳокама қилинди. Шунингдек, «Қадим Жайхўн» номи билан юритилувчи лойиҳа тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Маз-

Алоуддин ҒАФФОРОВ

Бугуннинг гапи

нинг масъулиятини ошириш, қонун устуворлигини ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида тўлиқ таъминлаш, қонунга итоат қилиб яшаш барчамиз-

кур лойиҳа бир нечта босқичдан иборат бўлиб, биринчи навбатда «Тўямўйин» сув омборида олиб бориладиган изланишларни ўз ичига олади.

Хорижий мутахассисларнинг таъкидлашича, ўзбек олимлари билан ўтказилган мазкур мулоқот сермахсул бўлди. Чунки тадбирда мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасидаги муҳим йўналишлар белгилаб олинди. Тадбирда Германиянинг «Интерсервис» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган сув фийлтрининг тақдироти ҳам ўтказилди. Ушбу тозаллагичлар Европанинг кўпгина давлатларида таърибадан ўтказилган бўлиб, эндиликда уни Ўзбекистонда ҳам тайёрлаш масаласи ўрганилмоқда.

Алоуддин ҒАФФОРОВ

«LG ГРАНТИ» СОВРИНДОРЛАРИ — ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатида «LG Electronics Inc.» компанияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигидаги «LG Гранти 2005» лойиҳаси ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. 2003 йил ўн еттинчи сентябрда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «LG Electronics Inc.» компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «LG Гранти» ижтимоий лойиҳаси бошланганлигини эълон қилган эди.

Ижтимоий дастурнинг асосий мақсади янги ғояларга интиланган, мустақил равишда илмий тадқиқотларни олиб бориш имкониятларини излаётган мамлакатимиздаги истеъодли ва ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Мазкур ижтимоий лойиҳаларни ўтказиш Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги икки томонлама муносабатларни кенгайтиради. Навбатдаги «LG Гранти 2005» дастури Тошкент шаҳридаги барча олий ўқув юртининг бакалавр ҳамда магистрант талабалари ўртасида ўтказилди. Унда иқтисодий, педагогика, муҳандислик, тиббиёт, молия, ҳуқуқшунослик, журналистика, ахборот технологияси, транспорт ва логистика, қишлоқ ҳўжалиги йўналишида таҳсил олаётган талабалар иштирок этиди.

«LG Гранти»ни олиш ҳуқуқига эга бўлган номзодлар талаба таълим олиншини контракт шаклида ўқиши, аъло рейтинг аттестациясига эга бўлиши, ўз олий ўқув юртининг жамоат ва илмий ишларида фаол иштирок этиши каби талаблар асосида танлаб олинди. Талабанинг илмий мақолалари матбуотда чоп этилган бўлиши керак.

«LG Гранти 2005» дастури доирасида жами 48та талабадан тушган тақлиф ҳар бир йўналиш бўйича биттадан, жами унга энг яхши талаба махсус Комиссия томонидан аниқланди. Совриндор талабаларга «LG Electronics» компаниясининг беш юз минг сўм миқдоридagi пул мукофоти топширилди. Грант маблағи талабанинг таълим контрактини тўлаши учун олий ўқув юрти ҳисоб рақамига ўтказилди. Ҳуллас, ўшбу муносабатлар доираларида икки томонлама учрашувлар ўтказилди ҳамда қўшма лойиҳалар амалга оширилди. Ҳазиро муносабатларни янада ривожлантиришдан асосий мақсад Кореяга ва «LG Electronics» компаниясининг заводларидан бирига ташриф буюриш имкониятини қўлга киритадиган энг истеъодли талабани аниқлашдан иборат.

Рустам ХАЙДАРОВ

РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ

масъулияти ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Унинг энг аввало жамият ва халқ билан узвий алоқда бўлиши фуқаролик жамияти институти (қасаба ташкилотлари, уюшмалар, сийёсий партиялар, махаллалар) фаолиятини баҳолай олиш раҳбарининг халқдан ажралиб қолмаслиги таъминлайди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида алоҳида эътироф этганларидек,

устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланди. Бу янгиликлар ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзининг ўзгариши, одамлар онгда демократик кадрларни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилиши даркор».

Шундай экан, одамларимизнинг, аввало раҳбарлик лавозимида ўтирганларнинг онгу тафаккурини ўзгартириш, улар-

нинг ҳаёт тарзимидага айланиши шарт. Бу жараёнларнинг зарурлигини барча раҳбарлар раҳбарлик билан амалга ошириши лозим. Зеро, шу йилнинг 7 февралда Юртбошимиз Ислоом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказган йилгиликда айтиб ўтганларидек, «Раҳбарининг билими етишмасин, уни ўрганса бўлади. Лекин у масъулият ва жа-

Ислохот ва самара

ҚИШ — ЧЎПОНГА СИНОВ ФАСЛИ

Бухоро вилоятининг кенжа тумани Қоровулбозор мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг оидин йўлига чиқиб олди. Президентимиз ташаббуси билан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиди, шаҳарчага туташ бог-роғлар бунёд бўлди, сув иншоотлари қўлайди. Мактаб, шифохона, замонавий коллежлар, кенг ва раво йўллар, спорт мажмуалари шаҳарча кўрковини очди. Қорхонадан чиқадиган нефть маҳсулотлари ва ҳўжаликлар етиштирадиган пахта ҳамда қорақўлга харидор бўлди.

— Булар ҳақида ҳали алоҳида ёзишнинг мумкин, — деди шергимиз, туман ветеринария бўлими бошлиғи Нуриддин Идиев. — Бу гал қорақўлчилар билан учрашинг, кишлоғни беталофат ўтказишга, азаматлар...

... Машинамиз қор билан бурканган яйловлар томон ўрмалади.

— Бу ерларни «Човгур қўши» деймиз, — изоҳлади «Қоровулбозор» ширкат хўжалиғи раиси Бахриддин Исмаилов. — Қаранг, қандай кенг яйлов...

Қўшга тушганимизда беш-олти киши янги туғилган қўзиларни бантировка қилиш билан банд эди.

— Ражаб бобо қани? — сўради раис уларнинг биридан.

— Кишлоққа кетгандилар...

Бу йилги Ражаб отанинг ўғли, бош чўпон — Дилшод Раҳимов, — таништирди бизга у. — номдор чўпон...

Ражаб ота асли вобкентлик. Бутун умри шу яйловларда ўтган. Ҳозир саксон ёшда. Ота чўпонлик таъғини ўғлига топширган бўлсаюм, уйда ўтиришни хўш кўрмайди. Утган йили 370 бош совлиқнинг хар юзидан 110 тадан қўзи олишди. 329 тасини ўстиришга қолдиришди...

— Бўлим бўйича қанча бўлди? — сўради.

— Бўлимда 6893 бош совлиқдан 7472 бош қўзи олинди, суҳбатга қўшилди йўриқиси Низомиддин Остонов. — Шундан 80 фоизини ўстиришга қўйдик. Жаҳон стандартлари даражасидаги 1631 та қарақўл териларини юқори нарҳларда сотдик.

Бўлимнинг Учюлғуч қўшида қўзимиз бостирма остида турган «Тик» ва «Дамас» га тушди.

— Хамид бобонинг ўғиллариники, — деди ҳамроҳим. — Ҳаллол бўлсин. Чўлнинг азобиға хар қим ҳам чидай олмайд...

Яна йўлга тушдик. Дўнгликлар ва сайхонликлар оралаб ҳўжалиқнинг қатор отарларида бўлдик. Чўпон-чўликлар билан суҳбатлашдик. 150 минг гектар майдонни эгаллаган яйловда икки-уч йил муқаддам қўйлар сонини 33 минг бош бўлган бўлса, ҳозир улар 36 минг бошга етди. Энцидор қўйлар хар йили 160-180 бошга қўлайиб борапти. Эл дастурхонига бурноғи йилга нисбатан 15 тонна кўп, яъни 220 тонна гўшт етказиб берилди. Бундан ташқари, давлатга 50,1 тонна жун сотилди. 6020 дона қорақўл тери ҳам чўпонларга катта даромад берди. Жорий йилда қўзилар сонини 22 минг бошга етказиб, хар юз бош совлиқдан камидда 110 тадан қўзи олиш режалаштирилган. Мўйлаб — подани 38 минг бошга етказиб...

— Қўлнинг хар қандай меҳнат самараси даромадда ўз аксини топади, — дейди ҳўжалик раҳбари Б.Исмаилов. — 2003 йилда соҳадан 158624 минг сўм даромад қилган бўлсақ, бултўрғи натижа ҳам бундан-да зиёд: 291265 минг сўм. 2003 йил якуни билан чўпонларга 7041 минг сўм дивиденд тўладик. 2004 йил дивиденди эса икки баравар қўлайди — 14 миллион 286 минг сўмни ташкил қилди. Уйлаймизки, жорий йил якуни билан аъзоларини қўлга тегадиган дивиденд яна икки бараварга қўлайди.

— Бунинг ўзига ҳок сабаблари бор, — изоҳ берди яна Нуриддин Идиев. — Илгари давлатга жун, қорақўл тарини ҳомашё сифатида сотардик. Энди эса ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни мўйлаб турбимиз. Яқинда иш бошлаган жун ва қорақўл терини қайта ишловчи Россия — Ўзбекистон қўшама қорхонасида сўр терилардан хар хил пальто, нимча, бош кийимлар ишлаб чиқариб, хорижга экспорт қила бошладик. Бу — валюта деғани...

Яна бир жиҳат: ҳўжалик қорвадорлари ўз даромадларидан бир қисмини қизлар бадий гимнастикасини ривожлантириш учун тумандаги 1-мактаб ўқувчиларига оталаб ёрдами қўрастишга сарфлаётганлари ҳам Сихат-саломатлик йилга ҳамоҳанг. Бундан ташқари чўпон-чўликларнинг туғилган қўнлари ва юбилейларини кенг нишонлаш ҳам аънана тусини олган.

Қор тинди. Чўпонлар «қурей-қурей»лаб отарларни жамлашди ва кўра томон ҳайдашди. Бу маънара бизга гўё ўша тоб чўпонлар энди ўзлари ҳам кечки дастурхон атрофида жамланишди, эртанги меҳнат қўнлари режаларини белгилашга тўпланишадигандек бўлаётганларини эслатди.

Феруза ИСАЕВА, ТЖТДУ халқаро журналистика факультети талабаси



Суратларда: Тошкентдаги «Файз» холдинг компаниясининг замонавий мебеллари.

Хар бир партиянинг ўз мақсади, йўналиши бор. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам мустақиллик шарофати билан ўз тамойилларини белгилаб олган ҳолда фаолият юритмоқда. Бу хар қадамда ўзининг ижобий натижаларини бераётир. Юртдошларимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини қуриш борасида олиб бораётган ислохотлар моҳият-мазмунини тушуниб етдилар. Шу боис сиёсий партиялар атрофида бирлашиб, ислохотларда фаол иштирок этмоқдалар.

Сиёсий партиялар жамиятда кишиларни бирлаштиради. Вакиллик органлари учун курашиб, ўз сиёсий гуруҳларининг манфаатларини химоя қилади. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларни шакллантиришда энг асосий куч сифатида майдонга чиқади. Ўз номзодларини сайлаш баробарида ҳокимиятини тузиш ва давлат бошқарувида иштирок этади. Бу ҳақда Конституцияимизнинг 60-модда-

Партия ҳаёти

КУЧ — БИРЛИКДА

партияси тузилди. Бу партия негизини социал демократия, ижтимоий адолат, ижтимоий ҳамкорликка асосланувчи сиёсий йўналиш ташкил этади. Шу боис партияимиз юртимизда яшаётган хар бир миллат ва элларнинг умумий манфаатига энг келадиган, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, шунингдек, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш, инсон ҳуқуқлари ва эркини таъминлаш, маънавият ва маъ-

рифат қарор топган фуқаролик жамиятини қуришда иштирок этишни бош мақсад қилиб олган. Шунинг учун ҳам «Адолат» СДП фуқароларнинг ишонч, ҳурматини қозоништи, сиёсий соҳада ўз мавқеини эгалламоқда. Туман партия Кенгашиимиз тобора халқ ичига кириб бориб, одамлар хурматиға сазовор бўлишга интиломоқда. Шу туфайли сафимиз 44 та бошланғич ташкилотда 940 нафардан ошди. Аъзо бўлаётганлар сафи янада

ФЕРМЕРЛАР МАМНУН

Қишлоқ ҳўжалигини техникасиз, техникани эса ёқилғисиз тасаввур этиб бўлмайди. Негаки деҳқон чигитни экиш олдидан ерни ҳайдаб, айни баҳорга келиб тезроқ экиб олишга шошилади. Фараз қилинг, уларнинг полвон техникалари ер ҳайдаш, чигит екишга тайёр. Лекин, нефть маҳсулотлари ташкилотидан ёқилғини ўз вақтида олиб келишолмапти. Шундай пайтда иши орқага кетаётганидан деҳқоннинг хунуби ошади. Деҳқончиликда эса бир кун бир йилга татийди. У олтин дамларини бой бераётганидан ич-ичидан ачинади, албатта.

Бундан 10 йил илгари хатирчиликлар ёқилғини олиш учун Навоий ва Оқтошдаги «Нефтобаза»ларда кун бўйи навбат куттиш эди. Фермерлар ана шу ташвишдан қутулишди. Хатирчидан унча узок бўлмаган Оқтош темир йўли ёқасида «Навоий нефтобаза»сининг Хатирчи филиали қурилиш туман деҳқонларига самарали хизмат қўрасталаётир.

Шуни қайд этиш жоизки, барча қўлайликларга эга бўлган бу филиални қурилишида Ҳасан Сафаровнинг хизмати катта бўлди. Яқин майдонда бинонинг пойдеворидан тортиб томини ёпишгача бош-қош бўлди.

— 1995 йилда туман ҳокимлиги томонидан мени ана шу филиални бунёд этиш учун курувчи директор этиб тайинлашди, — дейди Хусан Сафаров. — Тегишли ташкилотлар билан бино қурилиш лойиҳаларини тайёрладик. Дастлабки қўнларда иш осон кечмади. Малакали курув-

рифта қарор топган фуқаролик жамиятини қуришда иштирок этишни бош мақсад қилиб олган. Шунинг учун ҳам «Адолат» СДП фуқароларнинг ишонч, ҳурматини қозоништи, сиёсий соҳада ўз мавқеини эгалламоқда. Туман партия Кенгашиимиз тобора халқ ичига кириб бориб, одамлар хурматиға сазовор бўлишга интиломоқда. Шу туфайли сафимиз 44 та бошланғич ташкилотда 940 нафардан ошди. Аъзо бўлаётганлар сафи янада

рифта қарор топган фуқаролик жамиятини қуришда иштирок этишни бош мақсад қилиб олган. Шунингдек, фермер ҳўжаликлари далалари билан танишиб, ёқилғини сақлаш ва ундан самарали фойдаланиш ҳақида ўз фикр ва маслаҳатларини бериб боришди.

Филиалнинг фаолият қўрастаетганлиги туфайли бу ерда олтишга яқин ишчи ва хизматчилар ўз ўринларини эгаллашга муваффақ бўлдилар.

— Ҳозир филиалнинг жойларда 8 та шахобчаси мавжуд. Бу шахобчаларнинг ташкил этилишидан мақсад фермерларимизнинг узогини яқин қилишдир. Жойлардаги шахобчаларни бекаму-кўст фаолият қўрастатишда филиалнинг бош инженери Ҳикмат Холмуродов, бош оператор Неймат Ҳайитов, техника хавфсизлиги инженери Шавкат Раҳимовларнинг хизматлари беқўёс бўлаётир. Техник хизматчилар фермер ҳўжаликлари яқинида қўшимча яна 5 та шахобча қуриш ишларига киришди.

Жамоанинг катта-кичиги бўлмайди дейишди. Филиал аъзолари ўтган 2004 йилда 931 фермер ҳўжаликларига хизмат қўрастатган бўлса, жорий йилда 1113 фермер ҳўжаликларини ёқилғи билан таъминлашга муваффақ бўлишмоқда.

Асқар ЖАЛИЛОВ, «Адолат» мухбири

МАХСУС КИЙИМ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИЧА УСУЛЛАРИ

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «СИЗ ва СИЗОД махсус кийимлари билан таъминлашнинг янгича усуллари» бағишланган халқаро семинар ўтказилди. Шахсий химоя, на-фас йўли органларининг замонавий химоя воситалари, мамлакатимиздаги турли вазириклар, давлат қўниталари ва агентликлар учун махсус кийимлар билан таъминлаш масалаларига бағишланган мазкур анжуман Россиянинг тўртта компанияси томонидан ташкил этилди.

Халқаро семинарнинг очилиш маросимидан сўзга чиққан Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Фарит Мухамедшин сўнги вақтда хар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бораётганини эътироф этади. Элчи мазкур семинар тоғ-кон металлургия, газ ва нефть, энергетика ва машинасозлик сонаотлари яхши ривожланган Ўзбекистон мамлакатини учун ниҳоятда муҳим эканини алоҳида таъкидлади. Россия фирмалари ва уларнинг бельгиялик шериклари томонидан тақлим этилаётган махсулотлар айнан шу сонаот тармоқларида кенг қўлланилади.

Семинарда Ўзбекистоннинг мутасадди вазириклари ва муассасалари, Россиянинг бир қатор компаниялари, меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик вакиллари, Россия Давлат стандарти ва Савдо-саноат палатаси томонидан таъсис этилган шахсий химоя воситаларини ишлаб чиқарувчилар уюшмасига аъзо қорхоналар раҳбарлари сонаот қорхоналарини таъминлашда янгича усуллари жорий этиш — қорхона ишчиларини химоялаш сифатини ошириш, ишлаб-чиқаришда шикастланган камаятириш ҳамда касбу-қор касалликларини қисқартиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Айниқса, Ўзбекистон қорхоналарида соҳага оид янги стандартларни жорий этиш масаласи бўйича мунозаралар ниҳоятда қўзикарлик бўлди. Шунингдек, семинар билан бир вақтда очилган «Сорбент» қорхоналари гуруҳи томонидан ишлаб чиқарилган фавқулодда ҳодисаларда одамларнинг шахсий химоя воситалари намойиш этилган қўразма ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ваколатхонаси очилган «ТехИмСнаб» МЧЖ хар икки мамлакатнинг минтақаларидаги сонаот қорхоналари ва ижтимоий соҳа объектилари учун ишончли шерикдир. «ТехИмСнаб» буюртма асосида сонаот қорхоналари ҳамда ижтимоий соҳа объектиларига материал, асбоб-ускуна ва махсус кийим-кечаклар етказиб беришга иxtисослашган. Базван фирма фақат битта қорхона учун мингдан зиёд турдаги, яъни миҳдан тортиб металлпрокатгача, авто ортиш машинасида тортиб кўтарма қрангача бўлган ашё ва асбоб-ускуналар етказиб беради.

Сурайё НАЗАРХЎЖАЕВА

МАВСУМИЙ САВДО-ЯРМАРКАСИ

Тошкентда енгил сонаот маҳсулотларининг мавсумий савдо-ярмаркаси очилди.

Мазкур ярмарка нафақат Тошкент, балки Самарқанд, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарларида ҳам бир вақтинг Узида ташкил этилган. Пойтахтда иш бошлаган ярмаркада «Ўзбекистонга» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи турли мулкчилик шаклидаги ўртага қорхона, шу жумладан, юртимизда фаолият юритаётган етти та тўқимачилик, 20та тикувчилик-трикотаж ва унча чиннисозлик тармоғи қорхоналари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Савдо-ярмаркасиға умумий қиймати 92 миллион сўмлик 500 га яқин турдаги тайёр маҳсулотлар қўйилган бўлса, шундан 257 турдаги янги маҳсулотлар ҳисобланади. Хорижда ҳам машҳур бўлган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи қорхоналардан «Бухоротекс», «Намангантекстайл», «Косонсойтекстайл» истеъмолчиларга газламалар, турли ўлчамдаги сочиқлар ҳамда юқори сифатли кўрпа ва ёстиқ жилдларини тақдим этишмоқда. Шунингдек, «Косонсойтекс» қўша қорхонаси, «Хива гилами» акциядорлик жамияти ҳамда «Хива карпет» қўша қорхоналари харидорларга рангбаранг ва европача нусхадаги гиламларини сотмоқда. Тошкент чинни заводи, Самарқанддаги «Нафис» ва «Кувадой чинни» акциядорлик жамиятлари ҳам кенг турдаги хилма-хил чинни идишларини намойиш қилмоқда.

Мавсумий савдо-ярмаркаси 25 февралга қадар давом этади.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА

ЁШЛАР ВА АТРОФ-МУҲИТ

Тошкентда «Экосан» халқаро ташкилоти ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар ва туманлар Кенгашлари ҳамкорлигида атроф-муҳит муҳофазасига ёшларни жалб этиш мақсадида «Ёшлар ва атроф-муҳит» мавзуда учрашув ўтказилди. Бугунги кунда табиатни асраб-авайлаш, унга салбий таъсир етдиган ишларни қилмаслик тўғрисидаги фикрларни жуда кўп ишлатамиз. Лекин амалда эса... Зеро, экология ва атроф-муҳитни асраб-авайлашга хар биримиз масъулмиз, қолгаверса бу борда ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Бугунги кунда экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларга қарши курашиш мақсадида мамлакатимизда кўпгина давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолият юритмоқда. 13 йилдан буюн фаолият юритаётган «Экосан» халқаро ташкилотининг асосий вазибалари ҳам атроф-муҳитнинг экологик жиҳатларига эътибор қаратишдан иборат.

Ташкилот атроф-муҳит экологияси муҳофазасига нафақат аҳолини, балки ёшларни ҳам кенгроқ жалб қилиш мақсадида бир қатор маҳаллий ва хорижий ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорлик шулар жумласидандир. — Ушбу ҳамкорликнинг айнан ёшлар билан ўрнатилганлиги бежизга эмас, — деди «Экосан» халқаро ташкилоти ҳодими Хония Асилбекова. — Чунки бугун жамиятнинг деврли барча жаҳалларида ёшлар иштирокини қуриш мумкин. Ушбу ҳамкорлик лойиҳаси ёшлар нафақат мамлакат ривожига балки унинг экологик муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларига ўз ҳиссаларини қўшилишга мумкинлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Қарши тумани давлат солиқ инспекцияси ҳодимлари мамлакат газнасини қўйатириш борасида катта ишларни амалга оширишгапти. Бу ҳақда муҳбиримизга инспекция бошлиғи Узок Худойқулво куйидигиларни сўзлаб берди:

— Инспекцияимизда 46 нафар ҳодим хизмат қилди. Улар халқ ҳўжалиқининг барча жаҳалларида солиқ сисёатини қонун доирасида амалга ошириш учун самарали иш олиб боришгапти. Айни пайтда инспекцияимизда солиқ тўловчи сифатида 2979 та юридик ва жисмоний шахслар рўйхатга олинган. Солиқчиларимизнинг сазй-ҳаракатлари туфайли хар йили белгиланган барчара турдаги режаларни ортиги билан баҳариб келаяпти. Биргина ўтган йили ҳам бюджетга 4567527,8 минг сўм маблағ ундирилди, белгиланган режалар 100,7 фоизга эди атилади.

— Гуруч курмасиз бўлганидек, солиқ тўловчилар орасида ноқонуний йўл тутадиганлари ҳам борми?

Жарқўрган туманининг «Минор» қишлоғида инглиз ва тарих фанларига йўналтирилган мактаб-интернат бор. Жарқўрган — Каттақуш — Термиз йўли ёқасида қад кўтарган бу билим масканига сиртдан қараган киши унчалик эътибор қилмаслиғи мумкин. Аммо, ҳамма нарса фақат сирти билан баҳоланмайди. Халқимизда, «Данагидан магзи ширин бўлади» —деган ибора бежиз айтилмаган.

— Аждодларимиз фарзанд кўришса унга атаб ниҳол экишаркан — дейди, мактаб-интернати директори Оғамат Мўминов. — Бунинг ҳам фалсафий, ҳам иқтисодий жиҳатлари бор. Шу маънода биз маърифат маскани ҳовлисида 8 минг дона ҳурмо, 2 минг дона сосна экиб парваришляямиз. Ўқитиш услубимиз эса ўзгача. Фақат вилоятдаги

қирим қилинмаганлиги фойда этилиб, уларга нисбатан 9,3 миллион сўмлик молиявий жиммалар қўлланилди. Қонунбузарликка йўл қўйган 31 нафар шахс маъмурий, 3 нафар киши эса жиноий жавабгарликка тортилди. Туманимиз ҳудудида яқка тартибдаги меҳнат

ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

362 ҳолат бўйича маъмурий ҳўзғабит, уларга нисбатан 6388,7 минг сўмлик жарима қораси белгиланган. Бундан ташқари нақд пул тушумини ошириш бўйича 34 та текшириш ўтказилганда, 12 ҳолатда 0,9 миллион сўмлик савдо пуллари банк муассасаларига топширилмасдан тadbиркорлар томонидан бошқа мақсадларга ишлатилиб обориблиқлиги аниқланди. 13 ҳолатда эса 10,8 миллион сўмлик савдо пуллари назорат касса машиналарига

рида жойлашган олий ўқув орталариға ўқишга кириб ўқишмоқда. Ютуқларимизнинг асоси наъмунали, чўқур билимга эга бўлган ўқитувчилар билан бевосита боғлиқ. Шунинг ортида бўлса керак, «Ҳаёт бир денгиз бўлса, кемаси муаллим»

ФАХРЛАНСА АРСИЙДИ

13-сонли иختисослашган мактаб-интернати ўқувчилари билимларига тан бераман. Бошқалари билан рақобатда енгиб чиқишимизга ишончим комил. Ўтган ўқув йилида, ўқув даргоҳимизни битириб чиққан ёшларнинг 18 тасидан 13 таси Республикаимизнинг турли шаҳарла-

МИЛЛИОНЛАРНИ ТЕЖАЙДИ

«Кармоғига илгинан тadbиркор» аввалига қизарди, сўнг турли баҳоналарни рўқаб қилиб қўрастиди. Бирок солиқчиларимиз унинг найрангларига ишонмади. Яширин цех устидан тўпланган ҳужжатлар инспекция маъмурий амалиёти билан тadbиркорлар иш фаолияти текширилганда улар ўзбошимчилик билан ноқонуний равишда яширин ишлаб чиқариш цехлари очиб фаолият юритаётганлиги аниқланди. Масалан, инспекцияимиз ҳодимлари шу йил январь ойида ўқаро Сардор Жўраева ўз уйида хеч қандай ҳужжатсиз 26400 сўмлик маҳсулотлар билан савдо-сотик қилаётганда қўлга тушиб қолди ва керакли ҳужжатлар расмийлаштирилиб чора кўриш учун туман судига ўтказилди.

Сўхбатдош: Комил САХАТОВ, «Адолат» мухбири

ни ишга ёллаганмиз. Мақсадимиз — ёшларга билим беришнинг янгича технологиясини яратишдир. Мисол тариқасида гапирадиган бўлсам, Урта Осий тарихи билан боғлиқ тарихий жараёнлар билан ўқувчиларни мунтазам таъминлаш мумкин. Мақсадимиз — ёшларга билим беришнинг янгича технологиясини яратишдир. Мисол тариқасида гапирадиган бўлсам, Урта Осий тарихи билан боғлиқ тарихий жараёнлар билан ўқувчиларни мунтазам таъминлаш мумкин. Мақсадимиз — ёшларга билим беришнинг янгича технологиясини яратишдир. Мисол тариқасида гапирадиган бўлсам, Урта Осий тарихи билан боғлиқ тарихий жараёнлар билан ўқувчиларни мунтазам таъминлаш мумкин.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ, Тўлқин ТЕМИРОВ, «Адолат» мухбирлари

